

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 17 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи - туман судининг судьяси Ж.Одилов, судья ёрдамчиси И.Раҳимовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, жабрланувчи А.Юсупбоева, судланувчи С.Умаров ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат С.Самиковнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25 ва

166-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган:

1997 йил 26 августда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланган:

1. Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2019 йил 25 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а”, “б” бандлари билан айли деб топилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2020 йил 23 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖК 59-моддаси 8-қисми тартибида 2 йил 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 18 сентябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 1 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган;

3. Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2023 йил 21 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган;

4. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2023 йил 23 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/1 даҳаси, 11-уй, 11-хонадонда рўйхатда туриб, Учтепа тумани, Лолазор кўчаси 9-уйда яшаган, 2023 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2023 йил 28 февралда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, **Умаров Сухробжон Махмуджон**



Ўғли (Umarov Suxrobjon Maxmudjon o'g'li)га оид 1-1007-2303/237-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Умаров Сухробжон Махмуджон ўғли, ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 24 февраль куни, соат тахминан 07:00 ларда, Учтепа тумани, 11-мавзе, 3-уйнинг 1-кириш йўлагидан Юсупбоева Азиза Пўлатжоновнанинг оғзини ўнг қўли билан ёпиб, қулоғидаги баҳоси 400 000 сўмлик фируза кўзли кумуш зиракларини қўлга киритмоқчи бўлган вақтида, А.Юсупбоеванинг баланд овозда бақирганлиги сабабли, ўзининг жиний ниятига эриша олмасдан, ходиса содир бўлган жойдан яширинган.

Суд мажлисида **судланувчи С.Умаров** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 23 февраль куни, соат тахминан 20:00 ларда, яшаш хонадонидан чиқиб, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчасидаги "EVOS" кафеси қаршисидаги спиртли ичимликлар савдо дўконига кирганлиги, у ерда бир ўзи 300 грам коньяк, ундан сўнг "Троя" кафесида бир дона 0.5 литрли пиво, "Зара" кафесида икки дона 0.5 литрли пиво ичганлиги, сўнг "Арена" тунгги клубига кириб, бир дона 0.5 литрли ҳажмда пиво истеъмол қилганлиги, тинимсиз равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилганлиги сабабли, кучли мастлик ҳолатига тушиб қолганлиги, "Арена" кафесидан чиқиб йўловчи автомашинада Учтепа тумани 11-мавзедаги "Спорт товарлари" савдо дўкони ёнига келганлиги, у ердаги савдо дўконидан қотган нон харид қилиб, кўчада еганлиги, бу вақтга келиб тонг отиб қолиб, кун ёришганлиги, шундан сўнг кўп қаватли уйлар ичига кириб, у ердан ўтиб кетаётган вақтида, шу ердаги уйнинг йўлагидан чиқиб келаётган, исми кейинчалик маълум бўлган Юсупбоева Азизага кўзи тушганлиги, шунда уйнинг йўлак қисмига кириб, унинг ёнига бориб оғзини ёпиб қулоғидаги зиракни тортиб олмоқчи бўлганлиги, шунда А.Юсупбоева баланд овозда бақириб юборганлиги, қўрқиб кетиб, унинг қулоғини қўйиб юбориб, қочиб кетганлиги ва уйига борганлиги, уйда бўлган вақтида ИИО ходимлари келишиб, олиб кетишганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчилиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.



Судланувчи С.Умаровнинг содир этган қилмиши, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда текширилиб, ҳуқуқий баҳо берилган қуйидаги:

суд мажлисида сўралган **жабрланувчи А.Юсупбоевнинг**, 2023 йил 24 февраль куни, соат тахминан 07:00ларда, яшаш хонадонидан савдо дўконига чиқиб, биринчи қаватга тушган вақтида, уйнинг кириш эшигидан исми кейинчалик маълум бўлган Умаров Сухробжонни кўрганлиги, уни ўтказиб юбормоқчи бўлиб, салом берганида С.Умаров тўсатдан ўнг қўли билан оғзини ёпиб, қулоғидаги зирагига ёпишганлиги, шу вақтда кўрқиб кетганидан бор кучи билан бақириб юборганлиги, шунда С.Умаров уни қўйиб юбориб, уйнинг кириш йўлагидан югурганча ташқарига қараб қочганлиги, содир бўлган ҳолатдан кучли шок ҳолатига тушганлиги, яшаш хонадонига қайтиб, бўлиб ўтган ҳолатни турмуш ўртоғига айтиб берганлиги, турмуш ўртоғи мазкур ҳолат юзасидан ИИБга хабар берганлиги, шундан сўнг, Учтепа тумани ИИО ФМБ ходимларига бўлиб ўтган ҳолат юзасидан ариза ва тушунтириш хати ёзиб берганлиги, дастлабки тергов вақтида ҳаёжонда бўлганлиги сабабли, С.Умаров уни бўйнидан бўғиб, зинага ётқизиб олиб, қулоғига ёпишганлиги ҳақида кўрсатув берганлиги, лекин С.Умаров бўйнидан буғмаганлиги, зўрлик ишлатиш билан кўрқитмаганлиги, фақатгина оғзини қўли билан ёпмоқчи бўлган вақтида, С.Умаров билан бирга зинага йиқилганлиги, лекин ҳеч қандай тан жароҳати олмаганлиги, қулоғига ҳам ҳеч нарса қилмаганлиги, ҳозирги кунда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, унга қонунда белгиланган енгилликни беришни сўраб берган кўрсатуви;

суд мажлисида сўралган **гувоҳ Қ.Мадаминовнинг**, А.Юсупбоева турмуш ўртоғи бўлиши, 2023 йил 24 февраль куни соат тахминан 07:00ларда, яшаш хонадонидан турмуш ўртоғи А.Юсупбоева савдо дўконига чиқиб кетганлиги, улар уйнинг иккинчи қаватида истиқомат қилишлари, кўп ҳам ўтмасдан “подъезд” тарафдан бақир-чақир овозларини эшитганлиги, шунда эшик ёнига келганида эшик зарб билан тақиллаганлиги, эшикни очган вақтида турмуш ўртоғининг жуда ҳам қаттиқ чўчиб, ранглари ҳам оқариб кетган ҳолатда кўрганлиги, ундан нима бўлганлигини сўраганида, бир нотаниш киши қўли билан оғзини ёпиб, қулоғидаги зиракни юлиб олишга ҳаракат қилганлиги, шунда турмуш ўртоғи бор кучи билан бақириб юборганида, у иккала қўлларини ундан тортиб олиб, уй кириш йўлагидан ташқарига қараб қочиб кетганлигини айтганлиги, шундан сўнг ташқарига югуриб чиққанида ҳеч ким кўринмаганлиги, ҳолат юзасидан ИИБ ходимларига хабар берганлиги, ҳақиқатдан ҳам дастлаб турмуш ўртоғи А.Юсупбоева унга С.Умаров уни бўйнидан



буғиб, зинага ётқазиб, қулоғига ёпишганлигини айтганлиги ҳақида кўрсатув берганлиги, лекин кейинчалик турмуш ўртоғи А.Юсупбоева билан гаплашганида, С.Умаров бўйнидан буғмаганлиги, зўрлик ишлатиш билан кўрқитмаганлигини айтганлиги, турмуш ўртоғи мазкур ҳолат бўйича ҳеч қандай тан жароҳати олмаганлиги, ҳозирги кунда С.Умаровга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги, унга қонунда белгиланган енгилликни беришни сўраб берган кўрсатуви;

терговга қадар текширув жараёнида тўпланган хужжатлар (и.в.2-23), юзлаштириш баённомалари (и.в.67-68), кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси (и.в.44-48), ашёвий далилларни кўздан кечириш баённомаси (и.в.69-77), айбига иқрорлик аризаси (и.в.79) ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Умаровнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси 25 ва 166-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан малакаланиб, нотўғри хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси 166-моддаси 2-қисмининг “а” бандида, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган талончилик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил

30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарорининг 3-банди 5-хатбошисида, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик деганда, енгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозимлиги, бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Иш ҳолатларига кўра, дастлабки тергов жараёнида 2023 йил

26 февралда суд тиббиёт экспертизаси тайинланган. Бироқ, жабрланувчи А.Юсупбоева содир бўлган ҳолат натижасида бирон-бир тан жароҳати олмаганлигини билдириб, экспертизадан ўтишга муҳтож эмаслигини билдирган ҳолда, суд тиббиёт экспертизасидан ўтмаган (и.в 57).

Суд муҳокамасида жабрланувчи А.Юсупбоева, С.Умаров бўйнидан буғмаганлиги, зўрлик ишлатиш билан кўрқитмаганлиги, у тажовузни амалга ошириш жараёнида, бақир-чақир қилганлиги сабабли жиноий ниятини яқунлай олмаганлиги мазмунида кўрсатув бериб, дастлабки тергов



жараёнида ҳаяжонланган ҳолда кўрсатувлари берганлиги, чунки содир бўлган ҳолатдан кучли шок ҳолатига тушганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорининг 5-банди

2-хатбошига мувофиқ, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак.

Маълумки, талончилик ўзгалар мулкани эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Шундай ҳолатда, суд мажлисида текширилган далиллар билан, С.Умаровнинг талончиликини ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этганлигини тасдиқлаб бўлмаслигини эътироф этган ҳолда, унинг А.Юсупбоевнинг жабрланувчининг фаол қаршилиги сабабли, охирига етказилмаган мулкни очикдан-очик кўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси 25 ва 166-моддаси 2-қисмининг “а” бандидан мазкур модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ва хусусияти, содир этилган қилмишнинг сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,

3-бандларида судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи



ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи С.Умаровга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талаблари ва юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчилиги, оиласи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар рўйхатида туриши, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ғаразли ниятда қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, шахсига оид маълумотлардан келиб чиқиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконсиз деган қатъий ҳулосага келади ҳамда унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони манзил-колонияларда ўтатиришни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD-R” дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни ҳамда бир жуфт кумуш зирак жабрланувчи А.Юсупбоевага тилхат орқали қайтарилганлиги, унинг А.Юсупбоевага нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Умаров Сухробжон Махмуджон ўғли (Umarov Suxrobjon Maxmudjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 25 ва 166-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.Умаровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25 ва 166-моддасининг 1-қисми билан 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 27 февраль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

С.Умаровга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.



Ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона “DVD-R” диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Жабрланувчи А.Юсупбоевага бир жуфт кумуш зирак тилхат орқали қайтарилганлиги ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Ж.Одилов

имзо

Ҳукмнинг нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи
Ж.Одилов

Маъсул судья: Одилов Жаҳонгир Шухратович

